**«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»**

«Туронбанк» АТБ
Кузатув Кенгаши қарори билан

Кузатув Кенгаши раиси

_____________ Ж.Ҳ.Каршибаев

№К-4 «18» июль 2024 йил

*М.Ў.*

**“ТУРОНБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ**

**АКЦИЯЛАРИ ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ**

| **Идентификация рақами берилди:** | R | U | 2 | 2 | 7 | P | 0 | 4 | 9 | 6 | R | 2 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 700 (бир минг етти юз) сўм бўлган 99 999 999 300 (тўқсон тўққиз миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз) сўмлик 58 823 529 (эллик саккиз миллион саккиз юз йигирма уч минг беш юз йигирма тўққиз) дона айирбошланадиган имтиёзли акциялар.

**Бошқарув Раиси** **Ч.С.Мирзаев**

**Бош бухгалтер** **Ш.Э.Бозоров**

*М.Ў.* ___ _________ 2024 йил

**РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.**

**ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ ИНВЕСТОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.**

## I-БОБ. ЭМИТЕНТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| | |
|---|---|
| ***1. Жамиятнинг номи*** | |
| ***а) Эмитентнинг тўлиқ ва қисқарган номи, жумладан, ташкилий-хуқуқий шакли*** | |
| ***Ўзбек тилида*** | **Лотин ёзувида:**<br>«Turonbank» aksiyadorlik tijorat banki – тўлиқ фирма номи<br>«Turonbank» ATB – қисқартирилган номи<br>**Кирилл ёзувида:**<br>«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки – тўлиқ фирма номи<br>«Туронбанк» АТБ – қисқартирилган номи |
| ***Рус тилида*** | Акционерный коммерческий банк «Туронбанк» – тўлиқ фирма номи<br>АКБ «Туронбанк» – қисқартирилган номи |
| ***Инглиз тилида*** | Joint-stock commercial bank «Turonbank» - тўлиқ фирма номи<br>JSCB «Turonbank»– қисқартирилган номи |
| ***2. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар*** | |
| ***а) бирламчи давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами*** | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1990 йил 31 декабрда 713/8-сон билан бирламчи давлат рўйхатидан ўтказилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2021 йил 25 декабрда Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 8-сонли лицензия берилган. |
| ***б) давлат рўйхатидан қайта ўтиш санаси ва рақами (қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилган бўлса)*** | Қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилмаган. |
| ***в) номи ўзгарган бўлса, аввалги барча қисқарган ва тўлиқ номлари, шунингдек, ўзгартирилган саналар кўрсатилади*** | 1. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Давлат (Марказий) банки томонидан №713-сон билан 1990 йил 6 октябрда давлат рўйҳатидан ўтказилган – тўлиқ номи - «Турон» тижорат консолидация банки.<br>2. Банк таъсисчи-аъзолари умумий йиғилишининг 1993 йил 17 апрелдаги қарорига асосан – тўлиқ номи Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Акционерлик тижорат Бирлаштирув «Турон» банки, қисқартирилган номи «Турон» ОАТББ.<br>3. «Турон» акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки акциядорларининг 2002 йил 27 апрелдаги умумий йиғилиши қарорига асосан - тўлиқ номи Акциядорлик Тижорат «Туронбанк», қисқартирилган номи АТ «Туронбанк».<br>4. Банк акциядорларининг 2007 йил ноябрдаги умумий йиғилиши қарорига асосан - тўлиқ номи Очиқ Акциядорлик Тижорат «Туронбанк» қисқартирилган номи ОАК «Туронбанк».<br>5. Банк Акциядорларининг 2014 йил 5 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий йигилиши карорига асосан - тўлиқ номи «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки, қисқартирилган номи «Туронбанк» АТБ. |
| ***е) агар жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган бўлса, қайта ташкил этилган шахслар ва (ёки) жамиятларнинг вориси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади*** | Жамият қайта ташкил этилмаган. |

| | |
|---|---|
| ***3. Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари*** | Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4 «А»-уй. тел.: +998 71 202-01-01, 202-70-70, E-mail: info@turonbank.uz, веб-сайти: www.turonbank.uz. |
| ***4. Жамиятнинг банк реквизитлари*** | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдаги вакиллик хисобвараги - 10301000400000446001 |
| ***5. Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР*** | Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 201 055 108 |
| ***6. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар*** | Хос рақами (ОКПО) - код 14825394<br>ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури - код 96120<br>МШТ бўйича мулкчилик шакли -код 144<br>ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли - код 1150<br>Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами - код 1726277 |
| ***7. Рейтинглар мавжудлиги ҳақида маълумолар***<br><br>*(Жамиятга рейтинг(лар) берилган тақдирда, жамиятга берилган ҳар бир рейтинг бўйича сўнгги _____ тугалланган ҳисобот йиллари учун қуйидагилар кўрсатилади:*<br>***а) рейтинг берилган объект (жамият, жамият қимматли қоғозлари);***<br>***б) ҳужжатларни рўйхатга олиш учун рўйхатга олувчи органга тақдим этиш санасигача бўлган сўнгги _____ тугалланган ҳисобот йиллари учун рейтинг баҳоларининг ўзгариш тарихи;***<br>***в) рейтингни берган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқарган номи, юридик ва почта манзиллари;***<br>***г) рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар.***<br>*Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади)* | Сўнгги 2 йил учун рейтинг маълумотлари:<br>2022 йил учун:<br>рейтинг берилган объект: «Туронбанк» АТБ;<br>рейтинг баҳоси: “барқарор” прогнозли B/B;<br>рейтинг берилган сана: 2022 йил 1 март;<br>рейтингни берган ташкилот: “Standard and Poors” – тўлиқ номи, S&P - қисқартирилган номи, юридик ва почта манзиллари - Fourth Floor, Waterways House, Grand Canal Quay, Dublin 2, Ireland. S&P Global Ratings, Dubai International Financial Centre, Office No. 501, Level 5, Standard Chartered Building, Gate Precinct 1, Box 506650, Dubai, UAE<br>рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.<br>2023 йил учун:<br>рейтинг берилган объект: «Туронбанк» АТБ;<br>рейтинг баҳоси: “барқарор” прогнозли B/B;<br>рейтинг берилган сана: 2023 йил 29 декабрь;<br>рейтингни берган ташкилот: “Standard and Poors” рейтинг агентлиги – тўлиқ номи, S&P - қисқартирилган номи, юридик ва почта манзиллари - Fourth Floor, Waterways House,<br>Grand Canal Quay, Dublin 2, Ireland. S&P Global Ratings, Dubai International Financial Centre, Office No. 501, Level 5, Standard Chartered Building, Gate Precinct 1, Box 506650, Dubai, UAE;<br>рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар мавжуд эмас. |
| ***8. Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот***<br>*(Уларнинг тўлиқ номлари, жойлашган манзиллари ва боғланиш учун маълумотлар)* | Банкнинг қуйидаги банк хизматлари марказлари бор:<br>**“Қарши банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 180103, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Комилон кўчаси, 28-уй, тел: (71) 202-01-01(850)<br>**“Навоий банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 210100, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Фаровон МФЙ, М.Таробий кўчаси 55Т-уй, тел: (71) 202-01-01 (900)<br>**“Наманган банк хизматлари маркази”** |

| | |
|---|---|
| | Манзил: 160133, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ҳамроҳ кўчаси, 68А-уй, тел: (71) 202-01-01 (700)<br>**“Самарқанд банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 140154, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, М.Ўлуғбек кўчаси, 62А-уй, тел: (71) 202-01-01 (800)<br>**“Сурхондарё банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 190100, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, тел: (71) 202-01-01 (875)<br>**“Сирдарё банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 120100, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Хондамир кўчаси, 77А-уй, тел: (71) 202-01-01 (750)<br>**“Тошкент шаҳар банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани Абай 4А-уй, тел: (71) 202-01-01 (300)<br>**“Хоразм банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 104А-уй, тел: (71) 202-01-01 (950)<br>**“Қорақалпоғистон банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 230100, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т.Кайидбергенов кўчаси, 25А-уй, тел: (71) 202-01-01 (975)<br>**“Жиззах банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 130100, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, И.Каримов кўчаси, 62-уй, тел: (71) 202-01-01 (777)<br>**“Фарғона банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 150117, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 44-уй, тел: (71) 202-01-01 (725)<br>**“Миробод банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси 2-уй, тел: (71) 202-01-01 (400)<br>**“Шахрисабз банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 181300, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, тел: (71) 202-01-01 (825)<br>**“Зангиота банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 111800, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ешонгузар қўрғони, Ойбек махалласи, Мустақиллик кўчаси, 19-уй, тел: (71) 202-01-01 (556)<br>**“Яшнобод банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 100171, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Қорасув кўчаси, 4-уй, тел: (71) 202-01-01 (450)<br>**“Чилонзор банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 100123, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 6-а уй, тел: (71) 202-01-01 (500)<br>**“Юнусобод банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Хуршид кўчаси, 85-а уй, тел: (71) 202-01-01 (600)<br>**“Мирзо Улугбек банк хизматлари маркази”**<br>Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 218-220 уй, тел:<br>**“Андижон банк хизматлари маркази”** |

| | |
|---|---|
| | Манзил: 170100, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 40-а уй, тел: (71) 202-01-01 (650)<br>**“Бизнесни ривожлантириш маркази” БХМ**<br>Манзил: 140118, Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Меҳрижон МФЙ, Ф.Юлдош кўчаси, 24-уй, тел: (71) 202-01-01 |
| ***9. Шўъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумотлар*** | ***Тўлиқ фирма номи:***<br>“Turon Plaza Hotel” масъулияти чекланган жамияти<br>***Юридик манзили:*** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4а уй, тел: (71) 202-01-01 (262)<br>СТИР 309 144 898, устав капиталдаги улуши –99,9%<br>2.“Glass house” МЧЖ Тошкент вилояти, Бўка тумани, Хўжақўрғон МФЙ, 711-уй.<br>СТИР 304964009, тел: +998974140005, устав капиталдаги улуши – 26,0% |
| ***10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда*** | 1.Банк гуруҳлари - Ҳудудий банк ўқув маркази - Тошкент шаҳри, Буюк ипак Йўли,54 уй.<br>2.Ассоциациялар - Банклар ассоциацияси - Тошкент шаҳри, А.Каюмов, 24 уй.<br>3.Биржалар - Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси - Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.<br>“Тошкент” Республика фонд биржаси - Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй.<br>Банк саноат, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, товар биржалар аъзоларига тегишли эмас. |
| ***11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси*** | |
| Банкнинг ташкилий тузилмаси рисоланинг иловасида баён этилган. | |
| ***12. Жамият ходимларининг ўртача йиллик сони*** | **2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, ходимларнинг ўртача йиллик сони 1 487 нафарни ташкил этади, шундан:**<br>Раҳбарлар - 773<br>Мутахассислар - 279<br>Техник ходимлар - 301<br>Хизмат кўрсатувчи ходимлар - 82<br><br>**2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, ходимларнинг ўртача йиллик сони 1 448 ни ташкил этади, шундан:**<br>Раҳбарлар - 738<br>Мутахассислар - 275<br>Техник ходимлар - 309<br>Хизмат кўрсатувчи ходимлар – 83<br><br>**2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, ходимларнинг ўртача йиллик сони 1 4447 кишини ташкил этади, шундан:**<br>Раҳбарлар - 715<br>Мутахассислар - 313<br>Техник ходимлар -293<br>Хизмат кўрсатувчи ходимлар – 86 |
| ***13. Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 11-*** | Банк қуйидаги юридик шахслар устав капиталининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қилади:<br>1.“Turon Plaza Hotel” МЧЖ, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 4а уй. |

| | |
|---|---|
| ***бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно)*** | СТИР 309144898, тел: +998977300550, устав капиталдаги улуши – 99,9%;<br>2.“Glass house” МЧЖ Тошкент вилояти, Бўка тумани, Хўжақўрғон МФЙ, 711-уй. СТИР 304964009, тел: +998974140005, устав капиталдаги улуши – 26,0%. |
| ***14. Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси*** | Корпоратив бошқарув кодекси банк томонидан қабул қилинган ва 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган. Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланади ва акциядорлик жамияти бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича асосий йўналишлар бўйича тавсиялар мажмуидир. "Туронбанк" АТБ акциядорларининг 2016 йил 25 июндаги умумий йиғилишида Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилиш ва хабар шаклини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. |
| ***15. Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар*** | "Туронбанк" АТБ ташқи бозорда облигациялар эмиссиясини тайёрлаш бўйича ишларни бошлади (евробондлар). Потенциал банклар билан музокаралар бошланди, энг мақбул биржа платформаси аниқланмоқда. Евробондлар чиқарилиши кутилаётган йиллар – 2025-2026 йиллар.<br>"Туронбанк" АТБ евробондлар чиқаришга тайёргарлик кўриш доирасида 2024 йилда ички бозорда 50,0 млрд.сўмлик облигациялар чиқариши режалаштирилмоқда. |

## II-БОБ. КЕЛГУСИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

| ***16. Келгуси акциялар чиқарилиши шартлари*** | |
|---|---|
| а) чиқарилишдаги акциялар тури (оддий ва/ёки имтиёзли); | айирбошланадиган имтиёзли акциялар |
| б) чиқарилишдаги акциялар миқдори; | 58 823 529 (эллик саккиз миллион саккиз юз йигирма уч минг беш юз йигирма тўққиз) дона |
| в) чиқарилишдаги акциянинг номинал қиймати, сўмда; | 1 700 (бир минг етти юз) сўм |
| г) чиқарилишнинг умумий ҳажми, сўмда; | 99 999 999 300 (тўқсон тўққиз миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз) сўм |
| д) акцияларни жойлаштириш муддати ва тартиби; | Ушбу чиқарилаётган акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил муддат ичида жойлаштирилади.<br>Жойлаштиришни бошланиш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар жамиятнинг барча |

| | |
|---|---|
| | имтиёзли акция эгаси бўлган акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.<br>Жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда.<br>Акцияларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали савдо қоидаларига асосан амалга оширилади.<br>Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.<br>Ушбу чиқарилишдаги имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш шартлари ва тартиби:<br>айирбошлаш муддати: айирбошланадиган имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш, ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 72 ой ўтганидан кейин амалга оширилади.<br>айирбошланадиган имтиёзли акциялар эгаси ёзилган ҳужжатсиз оддий акцияларга Банк бошқарув органининг ушбу чиқарилишдаги айирбошланадиган имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш тўғрисидаги қарорига асосан, акциялар сонига мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Банк Уставига мувофиқ амалга оширилади, яъни айирбошланадиган битта имтиёзли акция Банкнинг битта оддий акциясига айирбошланади.<br>Ушбу чиқарилишдаги айирбошланадиган имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш тўғрисидаги Банк бошқарув органининг қарори айирбошлаш муддати тугаган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қабул қилинади. |
| е) тўлов усули ва жойлаштириладиган акциялар нархи (қиймати); | Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, шу жумладан имтиёзли ҳуқуққа эга |

| | |
|---|---|
| | акциядорлар ўртасида жойлаштириш 1 700 (бир минг етти юз) сўмдан амалга оширилади.<br>Акциялар учун тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади. |
| ж) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби; | Акциялар учун тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.<br>Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган тўловлар «Туронбанк» АТБ Тошкент шаҳар банк хизматлари марказининг қуйидаги ҳисоб рақамига қабул қилинади:<br>Ҳ/р: 2983 0000 2000 0044 6354, МФО 00446, СТИР 201 055 108;<br>Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4а уй.<br>Акциялар учун нақд шаклдаги тўловлар «Туронбанк» АТБнинг барча банк хизматлари марказлари томонидан қабул қилинади. |
| з) ушбу чиқарилишнинг акцияларини сотиб олишга бўлган чекловлар; | Банк Уставида ва чиқариш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилаётган акцияларни олинишига нисбатан қуйидаги чекловлар мавжуд:<br>Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:<br>-беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;<br>-йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;<br>-эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.<br>Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоиздан ошмаслиги керак.<br>Қуйидагилар Банк акцияларига эгалик қилишлари мумкун эмас:<br>-имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор |

| | |
|---|---|
| | этишни ҳамда молиявий оператцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охирги бенефициар мулкдорлар.<br>-қайси норезидентларнинг иштирокчилари (акциядорлари) ҳамда охирги бенефициар мулкдорлари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ғудудда рўйхатга олинган бўлса, ўша норезидентлар.<br>Банкнинг имтиёзли акциялари эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар. |
| и) инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинадиган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот; | Акциялардан олинадиган даромадларга солиқ солиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. |
| к) акцияларни чиқаришдан мақсад; | Қўшимча инвестицияларни жалб қилиш орқали Банк фаолиятини ривожлантириш ва унинг устав капиталини ошириш. |
| л) акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида жамият олган маблағларни қайтариш тартиби; | Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўланган пул маблағлари банк томонидан 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилади. |
| м) аввалги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар; | **1.Акцияларнинг 24-чиқарилиши:**<br>- давлат рўйхатидан ўтиш санаси ва рақами, чиқаришнинг идентификация рақами: 17 июнь 2021 йил PO496-24, RU124PO496R1;<br>- жойлаштиришни бошлаш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охирги ариза келиб тушган кундан бошлаб кейинги иш кунидан бошланади, бунда жойлаштиришнинг бошланиш санаси эълон ва билдиришнома берилган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан кам бўлмаслиги лозим. Агар жойлаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келса, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун кейинги биринчи иш куни жойлаштириш санаси ҳисобланади;<br>- жойлаштиришни якунлаш санаси - ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги |

| | |
|---|---|
| | қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;<br>- муомалага чиқиш санаси: 28.06.2021 йил;<br>- акцияларнинг номинал қиймати, сўмда: 1 700 сўм;<br>- акциялар чиқарилишиниг умумий хажми, сўмда: 99 999 999 300 сўм;<br>- чиқарилган акцияларнинг умумий сони, дона: 58 823 529 дона;<br>- чиқарилган акцияларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича миқдори (оддий акциялар, дона, имтиёзли акциялар, дона): оддий акциялар 58 823 529 дона;<br>- умумий чиқарилиш ичидан жойлаштириладиган акциялар фоизи, тўлиқ жойлаштирмаслик сабаби (тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда): 100% тўлиқ жойлаштирилган;<br>- акцияларни чиқаришдан мақсад: Банк устав капиталини ошириш.<br>2.Акцияларнинг 25-чиқарилиши:<br>- давлат рўйхатидан ўтиш санаси ва рақами, чиқаришнинг идентификация рақами: 30 июль 2021 йил PO496-25, RU125PO496R8;<br>- жойлаштиришни бошлаш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охирги ариза келиб тушган кундан бошлаб кейинги иш кунидан бошланади, бунда жойлаштиришнинг бошланиш санаси эълон ва билдиришнома берилган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан кам бўлмаслиги лозим. Агар жойлаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келса, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун кейинги биринчи иш куни жойлаштириш санаси ҳисобланади;<br>- жойлаштиришни якунлаш санаси - ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;<br>- муомалага чиқиш санаси: 10.08.2021 йил;<br>- акцияларнинг номинал қиймати, сўмда: 1 700 сўм;<br>- акциялар чиқарилишиниг умумий хажми, сўмда: 50 815 041 700 сўм;<br>- чиқарилган акцияларнинг умумий сони, дона: 29 891 201 дона;<br>- чиқарилган акцияларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича миқдори (оддий акциялар, дона, имтиёзли акциялар, дона): оддий акциялар 29 891 201 дона;<br>- умумий чиқарилиш ичидан жойлаштириладиган акциялар фоизи, тўлиқ жойлаштирмаслик сабаби |

| | |
|---|---|
| | (тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда): 100% тўлиқ жойлаштирилган;<br>- акцияларни чиқаришдан мақсад: Банк устав капиталини ошириш.<br>3.Акцияларнинг 26-чиқарилиши:<br>- давлат рўйхатидан ўтиш санаси ва рақами, чиқаришнинг идентификация рақами: 14 сентябрь 2021 йил PO496-26, RU126PO496R6;<br>- жойлаштиришни бошлаш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охирги ариза келиб тушган кундан бошлаб кейинги иш кунидан бошланади. Агар жойлаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келса, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун кейинги биринчи иш куни жойлаштириш санаси ҳисобланади;<br>- жойлаштиришни якунлаш санаси - ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;<br>- муомалага чиқиш санаси: 25.09.2021 йил;<br>- акцияларнинг номинал қиймати, сўмда: 1 700 сўм;<br>- акциялар чиқарилишининг умумий хажми, сўмда: 465 000 000 400 сўм;<br>- чиқарилган акцияларнинг умумий сони, дона: 273 529 412 дона;<br>- чиқарилган акцияларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича миқдори (оддий акциялар, дона, имтиёзли акциялар, дона): оддий акциялар 273 529 412 дона;<br>- умумий чиқарилиш ичидан жойлаштириладиган акциялар фоизи, тўлиқ жойлаштирмаслик сабаби (тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда): 99.31% жойлаштирилган, сабаби бошқа акциядорлар акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойлаланмаган;<br>- акцияларни чиқаришдан мақсад: Банк устав капиталини ошириш. |

| н) сўнгги уч йил учун ҳисобланган ва тўланган дивидендлар тўғрисида маълумот; | | **2021 йил якунлари бўйича** | **2022 йил якунлари бўйича** | **2023 йил якунлари бўйича** |
|---|---|---|---|---|
| | **Имтиёзли акциялар бўйича** | 1 688 950 000,0 | 1 688 950 000,0 | 1 688 950 000,0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **Оддий акциялар бўйича** | - | 24 834 014 528,40 | - |

| | |
|---|---|
| о) мавжуд акцияларни бирлаштириш ёки тақсимлаш санаси ва сабаблари тўғрисидаги маълумотлар; | Банкнинг фаолият кўрсатиш даврида бу каби ишлар амалга оширилмаган. |
| п) охирги йил учун акциялар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқарида савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда; | 2023 йил давомида номинал қиймати 1700 сўм бўлган бир дона оддий акциянинг биржа савдоларидаги энг юқори нархи 1667,13 сўм ҳамда энг пастки нархи 551,86 сўмни ҳамда номинал қиймати 1700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акциянинг биржа савдоларидаги энг юқори нархи 3000 сўм ҳамда энг пастки нархи 2000 сўмни ташкил этган. |
| р) акциялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари). | “Тошкент” Республика фонд биржаси. Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй. |
| ***17. Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари*** | Мазкур чиқарилишда облигациялар чиқариш кўзда тутилмаган. |

## III-БОБ. ЭМИССИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

| | |
|---|---|
| ***18. Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана*** | Акцияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича қарор “Туронбанк” АТБ Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган (Кузатув кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги К-40-сон баённомаси). |
| ***19. Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот*** | Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди. |
| ***20. Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот*** | 2023 йил якунлари бўйича аудиторлик хулосаси “ Ernest&Young ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти, Азамов Анвархон Сайфуллаевич томонидан тақдим этилди. Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 75 уй, (99878) 140 84 82, www.ay.com/uz. |
| ***21. мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи*** | Жамият ушбу чиқарилиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш учун юридик ва молиявий маслаҳатчиларни жалб қилмаган. |
| ***22. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот*** | Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамияти: Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107, 3-қават, телефон: 267-37-42, факс: 267-36-42, расмий веб-сайт: www.deponet.uz электрон манзили: info@deponet.uz. (14.09.2023 йилдаги 1409/Э-сонли шартнома)<br>«Alkes Research» МЧЖ<br>Манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий шоҳ кўчаси, 3-76, Телефон – 998 (99) 928-88-29, e-mail: info@alkesresearch.com, веб-сайт: www.alkesresearch.com;<br>«Birinchi Banklararo Depozitariy» МЧЖ<br>Манзили: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси 15 уй, телефон: 233-29-07, факс: 233-06-52, расмий веб-сайт: www.bbd.uz электрон манзили: bbd_1@mail.ru (17.06.2015 йилдаги 3/15-сонли шартнома)<br>«Kapital-Depozit» МЧЖ<br>Манзили: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Оккургон кўчаси 25 уй, телефон: |

| | |
|---|---|
| | 286-20-32, факс: 286-20-31, расмий веб-сайт: kapdepo.uz электрон манзили: info@kapdepo.uz (01.07.2015 йилдаги 14/D15-сонли шартнома) |
| ***3. Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар*** | 1.Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 30 сентябрь куни P0855-сон билан рўйхатга олинган:<br>а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (накдсиз) фоизли облигациялар.<br>б) чиқарилишдаги облигациялар сони: 3 000 (Уч минг) дона.<br>в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм: 1 000 000,0 (Бир миллион) сўм.<br>г) чиқарилишнинг умумий ҳажми<br>номинал қиймати бўйича) сўм: 3 000 000 000,0 (Уч миллиард) сўм.<br>Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 27 ноябрдаги 15-07/186-сонли қарорига асосан, P0855-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувига асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU301PO855R0) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.<br>2. Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2013 йил 26 апрель куни P0855-2 сон билан рўйхатга олинган:<br>а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (накдсиз) фоизли облигациялар.<br>б) чиқарилишдаги облигациялар сони: 3 000 (Уч минг) дона.<br>в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм: 1 000 000,0 (Бир миллион) сўм.<br>г) чиқарилишнинг умумий ҳажми<br>номинал қиймати бўйича) сўм: 3 000 000 000,0 (Уч миллиард) сўм.<br>Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2018 йил 28 майдаги 15-07/023-сонли қарорига асосан, P0855-2-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувига асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU302P0855R8) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган. |

## IV-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

| | |
|---|---|
| 24. Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар | Кузатув кенгаши аъзолари:<br>**Каршибаев Жасур Ҳазраткулович**<br>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, Кузатув кенгаши раиси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти: |

| | |
|---|---|
| | 2019 йилдан 2023 йилгача – Республикаси Молия вазирлиги Давлат ички ва ташки карзи Департаменти директори.<br>2023 йилдан ҳозиргача - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари.<br>**Шералиев Уткирбек Исманович**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими, Кузатув кенгаши аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2023 йилдан ҳозиргача - Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятининг Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси.<br>**Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли**<br>Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи, Кузатув кенгаши аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2018 йилдан ҳозиргача - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Инвеститсия лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси Инфратузилма лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўлими бошлиғи.<br>**Шарипов Отабек Бекмуродович**<br>Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Саноат сиёсатини юритиш йиғма бошқармаси бошлиғи, Кузатув кенгаши аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2020 йилдан 2023 йилгача - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Саноат сиёсатини юритиш департаменти директори вазифасини бажарувчиси.<br>2023 йилдан ҳозиргача - Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Саноат сиёсатини юритиш йиғма бошқармаси бошлиғи.<br>**Маликов Фаттоҳ Халилович**<br>«USUB» Масъулияти чекланган жамияти бош директори, Кузатув кенгаши аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2009 йилдан ҳозиргача - «USUB» Масъулияти чекланган жамияти бош директори.<br>**Олимжонов Одил Олимович** |

| | |
|---|---|
| | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар. ва ислоҳотлар Маркази Бош илмий ходими. Кузатув кенгаши аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2020 йилдан ҳозиргача - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар. ва ислоҳотлар Маркази Бош илмий ходими.<br>**Холмахмадов Зокиржон Абдурахманович**<br>«Prime Ceramics» Масъулияти чекланган жамияти, Молиявий директори, Кузатув кенгаши мустақил аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2015 йилдан ҳозиргача - «Prime Ceramics» Масъулияти чекланган жамияти, Молиявий директори.<br>**Гжегож Хенрик Завада**<br>ПКО Банки (Польша Варшава) Бошқарувчи директор – инвестициялар ва хусусий банк бўлими бошлиғи, Кузатув кенгаши мустақил аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2019 йилдан ҳозиргача - ПКО Банки (Польша Варшава) Бошқарувчи директор – инвестициялар ва хусусий банк бўлими бошлиғи.<br>**Муродов Низомиддин Насретдинович**<br>Осиё Тараққиёт Банкининг Ўзбекистон молиявий сектори лойиҳаларида банк ва молия соҳаси эксперти, Кузатув кенгаши мустақил аъзоси, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг 29.06.2022 йилдаги AS-3-сонли қарори билан тайинланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2017 йилдан ҳозиргача - Осиё Тараққиёт Банкининг Ўзбекистон молиявий сектори лойиҳаларида банк ва молия соҳаси эксперти.<br>Барча кузатув кенгаши аъзолари жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилмайди. |

| | |
|---|---|
| 25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот. | Банк Кузатув кенгашининг қуйидаги қўмиталари мавжуд:<br>1.Аудит қўмитаси:<br>Таркиби: Қўмита раиси Мурадов Н.Н<br>Қўмита аъзоси Маликов Ф.Х<br>Қўмита аъзоси Шералиев Ў.И<br>2.Риск қўмитаси;<br>Таркиби: Қўмита раиси Холмахмадов З.А<br>Қўмита аъзоси Олимжонов О.О<br>Қўмита аъзоси Шарипов О.Б |

| | |
|---|---|
| | 3.Тайинловлар ва хақ тўлаш қўмитаси;<br>Таркиби: Қўмита раиси Олимжонов О.О<br>Қўмита аъзоси Холмахмадов З.А<br>Қўмита аъзоси Каршибаев Ж.Х<br>4.Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;<br>Таркиби: Қўмита раиси Завада Г.Х<br>Қўмита аъзоси Хабибуллаев С.А<br>Қўмита аъзоси Каршибаев Ж.Х<br>5.Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси.<br>Таркиби: Қўмита раиси Хабибуллаев С.А<br>Қўмита аъзоси Олимжонов О.О<br>Қўмита аъзоси Шарипов О.Б<br>**Аудит Қўмитаси** Банкнинг Кузатув кенгашига унинг молиявий ва номолиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилиши ва ошкор этилиши устидан назоратни амалга ошириш, мустақил аудиторлик ташкилотини танлаш, аудит текшируви жараёнларини кузатиб бориш, шунингдек, ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ва ўрганиш борасидаги фаолиятини амалга оширишда кўмаклашади.<br>Қўмита банк ва унинг бирлаштирилган шўба компанияси молиявий ҳисоботларининг, шунингдек, Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига доир бошқа ҳисоботлар ва нашрларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги юзасидан назоратни амалга оширади, таваккалчиликларни бошқариш Қўмитаси – ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тизимлари билан ҳамкорликда Банк томонидан қўлланиладиган ички молиявий назорат шакллари ва усулларини кўриб чиқади, банкнинг Ички аудит Департаменти фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш ишларини ўтказади, акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлашига киритиш учун ташқи аудитор номзоди бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлайди, шунингдек ташқи аудитор билан шартнома шартларини тасдиқлайди, ташқи аудиторларнинг мустақиллиги ва холислигини ҳамда аудит жараёнининг самарадорлигини таъминлайди, банкнинг йиллик (оммавий) ҳисоботи тайёрланишини ва ушбу ҳисоботнинг, шунингдек Банкнинг бошқа номолиявий ҳисоботларининг тўғри баҳоланиши ва таҳлил қилинишини таъминлайди, банк томонидан барча меъёрий-ҳуқуқий талабларга ҳамда Банкнинг ички меъёрий қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.<br>**Риск Қўмитаси** Банк Кузатув кенгашига таваккалчиликларни бошқаришнинг тегишли тизимини ва унинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этишда, шу жумладан, риск-аппетитни аниқлаш, таваккалчилик даражасининг мақбуллигини ва таваккалчиликларни бошқаришни, шу жумладан, экологик ва ижтимоий рискларни назорат қилиш, тегишли таваккалчиликларни таҳлил ва назорат қилиш тизимининг фаолият кўрсатиши, банк фаолиятининг пруденциал меъёрлари ва лимитларига, Банк капиталининг монандлигини таъминлаш ва баҳолаш сиёсатларига, Банк капитали ва ликвидлигини бошқариш |

| | |
|---|---|
| | режалари, комплаэнс таваккалчиликларини назорат қилиш ва камайтириш соҳасидаги сиёсатлар ва мажбуриятларга риоя қилиниши ва ички назорат тизимининг фаолияти масалалари бўйича Банкнинг унда амал қилаётган сиёсатларни қабул қилиш, амалга ошириш ва уларга эргашишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишда, шунингдек таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат ташкилий тузилмасини доимий равишда баҳолаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш чораларини кўришда кўмаклашади.<br>**Коррупцияга қарши курашиш ва этика Қўмитаси** Банкда самарали иқтисодий хавфсизлик тизими, яъни ички назорат, фирибгарликка, пора олишга қарши курашиш, амалдаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ суистеъмолликнинг олдини олиш, комплаенс-хатарлар, халқаро стандартлар ва коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа умумий масалалар, шунингдек молиявий комплаенс, ҳуқуқий комплаенс (дуэ дилигенсэ), монополияга қарши курашиш комплаенс соҳасидаги ва этика масалалари бўйича Банк Кузатув кенгашига тавсиялар ишлаб чиқади, таҳлил қиллади ва тақдим этади.<br>**Стратегия ва инвестициялар Қўмитаси** Банк фаолиятининг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш, Банкнинг инвестиция фаолиятини назорат қилиш, Истиқболли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ва уларнинг Банк акциядорлик қийматини оширишда таъсирини баҳолаш Банк Кузатув кенгашининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича банк Кузатув кенгашига тавсиялар ишлаб чиқади, таҳлил қилади ва тақдим этади.<br>**Тайинловлар ва ҳақ тўлаш Қўмитаси** Кузатув кенгашига кенгаш таркибини шакллантириш, Кенгаш ва бошқарув даражасида ворислик, Кенгаш фаолиятини баҳолаш, Банкнинг ходимларни бошқариш сиёсатини (Кадрлар сиёсати ва Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш сиёсати) тасдиқлаш ва амалга ошириш, Бошқарув аъзолари ва Банк Кенгашига ҳисобот берувчи ходимларнинг лавозимларини тўлдириш, ваколатлар даражасини ошириш ва банк ходимларини ривожлантиришга оид энг муҳим масалалар бўйича асослантирилган ва самарали қарорлар қабул қилишда кўмаклашади. |
| 26. Жамиятнинг коллегиал (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар | Жамият Бошқаруви таркиби:<br>**Мирзаев Чори Садибакосович** – Бошқарув Раиси – Бош директор, Банк Кузатув кенгашининг 22.09.2016 йилдаги К-74-сонли қарори билан тасдиқланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2016 йилдан ҳозиргача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Банк Бошқарув Раиси.<br>**Калдибаев Султан Торабекович** - Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари в.б., Банк Кузатув кенгашининг 21.05.2024 йилдаги К-31/1-сонли қарори билан тасдиқланган. |

| | |
|---|---|
| | Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2019 йилдан 2024 йилгача ҳозиргача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раиси Ўринбосари.<br>2024 йил 21 майдан ҳозиргача - Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари в.б.<br>**Рустамов Дилшод Абдухаписович** - Бошқарув Раиси ўринбосари, Банк Кузатув кенгашининг 20.08.2018 йилдаги К-93-сонли қарори билан тасдиқланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2018 йилдан ҳозиргача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раисининг Ўринбосари.<br>**Ибрагимова Шахло Алимбаевна** - Бошқарув Раиси ўринбосари, Банк Кузатув кенгашининг 28.08.2022 йилдаги К-38-сонли қарори билан тасдиқланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2020 йилдан 2022 йилгача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Ходимлар билан ишлаш департаменти директори;<br>2022 йилдан ҳозиргача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раисининг ўринбосари.<br>**Ахмедов Тохиржон Хасанжон ўғли** - Бошқарув Раиси ўринбосари, Банк Кузатув кенгашининг 15.11.2023 йилдаги К-54-сонли қарори билан тасдиқланган.<br>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:<br>2022 йилдан 2023 йилгача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот департаменти директори (Бош бухгалтер);<br>2023 йил 15 ноябргача -"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Молия масалалари директори<br>2023 йилдан ҳозиргача - "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раиси ўринбосари.<br>Барча Бошқарув аъзолари жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилмайди.<br>Ижроия органи вазифаси: Банкнинг кундалик фаолиятини ташкил этиш ва уни жорий бошқаришни амалга ошириш, банк Уставида баён этилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш. |
| 27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдаги эмитентнинг ижро этувчи органининг ваколатлари бошқа тижорат ташкилотига ўтказилмаган. |
| 28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 1 йил давр учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар | Банкнинг ушбу Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган шахсларига сўнгги 1 йил давомида тўланган ва тақдим этилган иш ҳақи ва мукофотлар, имтиёзлар, шунингдек, тўланган нафақаларнинг умумий суммаси 5,7 млрд.сум. |
| ***29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари)*** | |
| *тўлиқ номи, солиқ тўловчи акциядорнинг/иштирокчининг индивидуал рақами, жойлашган манзили* | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй, СТИР 206635118 |

| | |
|---|---|
| ***кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати*** | устав капиталидаги улуши – 90,09% |
| ***таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана)*** | 24.04.2018 йил. |
| ***тўлиқ номи, солиқ тўловчи акциядорнинг/иштирокчининг индивидуал рақами, жойлашган манзили*** | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй, СТИР 200794961 |
| ***кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати*** | устав капиталидаги улуши – 8,67% |
| ***таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана)*** | 01.03.2020 йил. |
| ***30. Жамиятнинг бошқа аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар*** | **Шўъба ва (ёки) тобе юридик шахслар**:<br>1.“Turon Plaza Hotel” МЧЖ, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 4а уй. СТИР 309144898, тел: +998977300550, устав капиталдаги улуши – 99,9%<br>2.“Glass house” МЧЖ Тошкент вилояти, Бўка тумани, Хўжақўрғон МФЙ, 711-уй. СТИР 304964009, тел: +998974140005, устав капиталдаги улуши – 26,0%<br>**Банк Кузатув Кенгаши аъзолари:**<br>Каршибаев Жасур Ҳазраткулович<br>Шералиев Уткирбек Исманович<br>Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли<br>Шарипов Отабек Бекмуродович<br>Маликов Фаттоҳ Халилович<br>Олимжонов Одил Олимович<br>Холмахмадов Зокиржон Абдурахманович<br>Гжегож Хенрик Завада<br>Муродов Низомиддин Насретдинович<br>**Банк Бошқаруви аъзолари:**<br>Мирзаев Чори Садибакосович<br>Калдибаев Султан Торабекович<br>Рустамов Дилшод Абдухаписович<br>Ибрагимова Шахло Алимбаевна<br>Ахмедов Тохиржон Хасанжон ўғли<br>**Банкнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахслар:**<br>Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси |

## ГЛАВА V. ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| ***31. Жамият фаолияти турлари*** | |
|---|---|
| ***Асосий фаолият йўналиши ва ишлаб чиқариш (хизмат) турлари:*** | 1. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияларга амал қилган ҳолда юридик ва жисмоний шахслардан |

| | |
|---|---|
| | омонатлар қабул қилиш, қабул қилинган маблағлардан таваккалчилик асосида кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиб, улар бўйича тўловлар ва бошқа банк хизматларини тижорат асосида амалга оширади.<br>2. Операцияларни амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоблар марказида ва бошқа банкларида вакиллик ҳисобварақларини очади.<br>3. Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларга қуйидагилар киради:<br>• пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб қилиш;<br>• тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;<br>• жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва юритиш;<br>• кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан<br>ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;<br>• чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;<br>• жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартномага асосан мол-мулкни ишончли бошқариш;<br>• инкассатсия ва касса хизматларини кўрсатиш;<br>• учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;<br>• учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олиш (факторинг);<br>• қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш<br>ва сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;<br>• аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;<br>• қимматбаҳо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;<br>• ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;<br>• ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус хоналарни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;<br>• лизинг бериш;<br>• қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;<br>• молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;<br>• активлар портфелини бошқариш; |

| | |
|---|---|
| | • электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва сўндириш;<br>• банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия муассасалари билан биргаликда хизмат кўрсатиш. |
| ***Жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар*** | Банкка Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2021 йил 25 декабрда Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 8-сонли лицензия берилган. |
| ***32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот*** | Мамлакатнинг банк тизими активларида 2.5% улуши билан 13-ўринда туради |
| ***33. Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни*** | «Туронбанк» АТБ кенг кўламли банк хизматларини тақдим этувчи универсал банк ҳисобланиб, ўттиз йилдан ортиқ тарихга эга. Банк Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида жойлашган 21 та Банк ҳизматлари маркази ва 72 та Банк ҳизматлари офисларини ўз ичига олган кенг филиал тармоғига эга. Бу бутун Ўзбекистондаги мижозлар билан ишлаш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида субъектларга банк хизматларини кўрсатиш ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини беради.<br>«S&P Global Ratings» халқаро рейтинг агентлиги Туронбанк кредит рейтингини «Барқарор» прогнози билан «B/B» даражасида тасдиқлаган. Бу Банк фаолиятининг самарадорлигидан ва ўз мажбуриятларини бажарганидан далолат беради.<br>Шунингдек «Аҳбор-Рейтинг» агентлиги томонидан «Барқарор» прогнози билан «УзА+» миллий кредит рейтинги берилди. Мазкур рейтинг Банк кредит салоҳиятининг юқорилигини, шунингдек кредит таваккалчилиги даражаси жуда пастлигини кўрсатади.<br>Банк активлари 2024 йил бошига 15 939 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,8% ошган. Активларнинг 75,1% ёки 11 894 млрд.сўмни кредит портфели ташкил қилади.<br>2023 йил мобайнида олинган ялпи даромад 1 645,0 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,7 млрд.сўмга ёки 1,3 фоизга кўпайган ҳамда соф фойда 57,9 млрд.сўмни ташкил қилган.<br>Ўз навбатида кредит портфел бўйича ўртача тортилган фоиз 11,2 фоиздан 11,9 фоизга ошган.<br>Сўнгги йилларда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда иқлимдаги салбий ўзгаришлар масаласи, ҳавонинг ифлосланиши ва энергетик инқироз муаммолари кўтарилмоқда. Шу билан бирга компанияларнинг атроф-муҳит билан боғлиқ масалаларни бошқаришга, уларнинг жамият ва маҳаллий ҳамжамият билан ўзаро муносабатларига қизиқиши ортмоқда.<br>Банк ҳам узоқ муддатли даврда барқарор ривожланишни таъминлаш учун ўз фаолиятининг иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатларини уйғун ҳолда бошқаришга интилмоқда. Барқарор ривожланиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилаётганда банк ўз миссиясига, Банкнинг ривожланиш стратегиясига ва халқаро хулқ-атвор нормаларига, |

барқарор ривожланиш соҳасидаги принципларга таянмоқда.

Туронбанк яшил ва энергия самарадор йўналишларга эътибор берган ҳолда қишлоқ жойларда молиялаштириш имконини ошириш орқали барқарор ривожланишга, тадбиркорлик ва ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Банкнинг барқарор ривожланишга ёндашуви акциядорлар учун барқарор даромадни, ходимлар учун муносиб турмуш даражасини, мижозлар учун хизматларнинг яхши сифатини ва умуман жамиятга ижобий таъсирни таъминлаш ўртасида мувозанат сақлашдан иборат.

2023 йилда Банк барқарор ривожланиш (ESG) ва яшил иқтисодиёт бўйича қуйидагиларга қаратилган йўл харитасини ишлаб чиқган бўлиб, 2024 йилда давом эттирилиши белгилаб олинган:

• Environmental ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш банк экология ҳақида қанчалик қайғуришини ва унга етказилган зиённи камайтиришга қандай уринишини белгилайди.

• Social ёки жамият манфаатларини ҳимоя қилиш банкнинг ходимларга, етказиб берувчиларга, мижозларга, ҳамкорларга ва истеъмолчиларга муносабатини кўрсатади.

• Governance ёки корпоратив бошқарув ҳисоботнинг шаффофлигини, хотин-қизларнинг топ-менежментда қатнашишини, акциядорлар билан муносабатларни ва коррупцияга қарши чора-тадбирларни англатади.

Банк ички ресурслар ҳисобига ҳамда хорижий молиявий ва банк институтлари маблағларини жалб этиш ҳисобига миллий ва хорижий валюталарда кредит операцияларини кенгайтиришни режалаштирган. 2024 йилда кредит фаолияти ва лойиҳани молиялаштириш самарадорлигини ошириш учун Туронбанк 5 300,0 млрд. сўмлик кредит ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни, натижада 60 мингта иш ўринларини яратишни кўзда тутган.

Шундан 1 900,0 млрд. сўм (36%) кичик ва ўрта бизнесга, 1,0 трлн. сўм (19%) – йирик корхоналарга, 900 млрд. сўм (17%) – қисқа муддатли айланма капиталга ва 1 500,0 млрд. сўмни (28%) чакана кредитларга йўналтириш режалаштирилмоқда. 2024 йилда қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, қурилиш ва бошқа хизматлар, туризм ва транспорт, таълим ва соғлиқни сақлаш кирадиган хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш режалаштирилмоқда.

***34. Сўнгги 6 йил ичида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми***




| | |
|---|---|
| ***35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти*** | Хизматларни сотиш қонун хужжатларига мувофиқ Банкнинг барча банк хизматлари Марказлари ҳамда офислари орқали мижозлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали амалга оширилади. |
| ***36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар*** | |
| ***а) Жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар*** | **Ижобий омиллар:**<br>– Банк тизимида кўп йиллик тажриба;<br>– Республика худуди бўйлаб филиаллар ва мижозлар;<br>– Ходимларнинг фаолия юритиши ва малакасини ошириш учун замонавий инфратузилма;<br>– Замонавий Корпоратив Бошқарув;<br>– Халқаро Молия Корпорацияси билан ҳамкорликда халқаро стандарлар асосида Трансформация.<br>**Салбий омиллар:**<br>– - Рақобат муҳитидаги ўзгаришлар, жумладан, бозорга янги ўйинчиларнинг кириб келиши ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларининг ўзгариши;<br>– - Ижтимоий ва иқтисодий муҳитдаги ўзгаришлар, жумладан, инфляция, ишсизликнинг ўсиши банк мижозларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши;<br>-Технологиянинг ривожланиши билан бирга кибер таҳдидларини ошиши |
| ***б) Жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар*** | 01.03.2024 йил ҳолатида муаммога айланган активларни ундириш бўйича 1136 та мижознинг 43,5 млрд. сўмлик кредит қарздорлигини ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилган бўлиб, суд жараёнлари давом этмоқда. МИБда 539 та мижознинг 118,2 млрд. сўмлик кредит қарздорликларини ундириш билан боғлиқ мажбурий ижро харакатлари олиб борилмоқда. |
| ***в) Ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 3 йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар*** | Ўтган 3 йил мобайнида фақат 1 маротаба - 2024 йил 13 март кунидаги Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг қарорига асосан банкдан давлат фойдасига 300 млн сўм жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган. |
| ***г) Таваккалчилик омиллари*** | |

| | |
|---|---|
| ***Жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар*** | Тижорат банкининг жамият билан боғлиқ рисклари турлича бўлиши мумкин ва қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:<br>Иқтисодий беқарорлик: Ижтимоий ва иқтисодий муҳитдаги ўзгаришлар, жумладан, инфляция, ишсизликнинг ўсиши ёки рецессия, банк мижозларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса кредитларни тўланмай қолиш хавфини оширади ва банк активларининг тикланишини камайтиради.<br>Сиёсий рисклар: беқарор сиёсий шароитлар, қонунчилик ёки давлат сиёсатидаги ўзгаришлар банк фаолиятига, жумладан, унинг депозитларни жалб қилиш, кредитлар бериш ёки инвестиция операцияларини амалга ошириш қобилиятига салбий таъсир қилиши мумкин.<br>Ижтимоий тенденциялар ва истеъмолчилар хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар: турмуш тарзи ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларининг ўзгариши банк маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин, бу эса банкдан ўз стратегияси ва бизнес моделини мослаштиришни талаб қилади.<br>Обрў-эътиборга/Репутацион рисклар: Банк ёки унинг ходимларининг жамиятда салбий муносабатга сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлари унинг обрўси ва мижозлар ишончига таъсир кўрсатиши, бу эса омонатларнинг чиқиб кетиши ва бизнеснинг йўқолишига олиб келиши мумкин.<br>Ижтимоий меъёрлар ва қадриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ рисклар: Банкларнинг ахлоқий меъёрлари ва ижтимоий масъулиятига оид жамоатчилик фикрининг ўзгариши бизнеснинг қатъийроқ стандартлари ва банк операцияларида тегишли ўзгаришларга нисбатан жамоатчилик босимининг кучайишига олиб келиши мумкин.<br>Технологик хавфлар: Технологиянинг ривожланиши ва жамиятни рақамлаштириш киберхавфсизлик таҳдидларини ошириши мумкин, бу эса мижозларнинг махфий маълумотларининг сизиб чиқишига ва банк учун молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.<br>Ушбу рискларни бошқариш банклардан жамоат муҳитини диққат билан кузатиб бориш, стратегияларни ўзгарувчан шароитларга мослаштириш, жамият ва манфаатдор томонлар билан муносабатларни самарали бошқаришни талаб қилади. |
| ***Тармоқ хавф-хатарлари*** | Тармоқдаги иқтисодий рисклар: Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо ва бошқалар каби айрим тармоқларидаги ўсиш ёки пасайиш банкнинг кредит портфелига ва унинг молиявий ҳолатига таъсир қилиши мумкин.<br>Мижозлар ва ходимлар билан операцияларни амалга оширишдаги рисклар: Банкнинг асосий мижозлари бўлган ташкилотлар, шунингдек, молиявий хизматларни етказиб берувчилар банк операциялари ва рискларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.<br>Рақобат таваккалчилиги: Рақобат муҳитидаги ўзгаришлар, жумладан, бозорга янги ўйинчиларнинг кириб келиши ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларининг ўзгариши банкнинг бозор улуши ва рентабеллигига таъсир қилиши мумкин. |

| | |
|---|---|
| | Тўловлар ва валюта операциялари соҳасидаги рисклар: Валюта курслари, форекс бозори ва криптовалюталарнинг ўзгариши билан боғлиқ хавфлар банкнинг валюта портфелига ва унинг кредит рискларига таъсир қилиши мумкин. |
| ***Молиявий хавф-хатарлар*** | Тижорат банкининг молиявий рисклари унинг молиявий операциялари, активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ турли жиҳатларни ўз ичига олади.<br>Кредит риски: Бу қарз олувчиларнинг кредитларни тўламаслик хавфи. Агар мижозлар қарзга олинган маблағларни ёки кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлай олмасалар, банк зарар кўриши мумкин.<br>Ликвидлик риски: Бу жорий мажбуриятларни қоплаш учун ликвидли маблағларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ риск. Агар банк нақд пулга бўлган талабни тезда қондира олмаса, ликвидлик муаммосига дуч келиши мумкин.<br>Фоиз риски: Бу фоиз ставкаларининг ўзгариши хавфи бўлиб, банкнинг актив ва пассивлари бўйича рентабеллигига таъсир қилиши мумкин. Масалан, фоиз ставкаларининг ошиши маблағларни жалб қилиш харажатларини ошириши мумкин, пасайиш эса кредит портфелининг рентабеллигини камайтириши мумкин.<br>Валюта риски: Бу банкнинг бошқа валюталардаги активлари ва пассивлари қийматига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган валюта курсларининг ўзгариши хавфи. Масалан, миллий валютанинг қадрсизланиши банкнинг хорижий валютадаги активлари қийматини пасайтириши мумкин. |
| ***Ҳуқуқий хавф-хатарлар*** | Регулятив муҳит риски: Бу банк фаолиятига, капиталга бўлган талабларга, фаолиятни чеклашларга ва ҳоказоларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардаги ўзгаришлар хавфи. |
| ***Операцион хавф-хатарлар*** | Операцион хавф: Бу хатолар, бошқарув тизимларидаги камчиликлар, ички ва ташқи фирибгарлик, технологияга ҳаддан ташқари ишониш ва ҳоказолар туфайли юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар билан боғлиқ хавф.<br>Технологик рисклар: Банклар янги технологиялардан фойдаланиш, киберхавфсизлик ва маълумотлар йўқотилиши ёки молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган техник носозликлар билан боғлиқ хавфларга дуч келади. |
| ***Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар*** | Банкнинг фикрига кўра, банкнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган бошқа хавф-хатарлар мавжуд эмас. |
| ***37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.*** | Банкининг рискларни бошқаришда жамият сиёсатидан хабардорлик қуйидагиларни ўз ичига олади: тартибга солувчи янгиланишлардан хабардор бўлишни ва рискларни бошқариш стратегиясини давлат сиёсати мақсадларига мослаштириш; норматив-ҳуқуқий ўзгаришларни яқиндан кузатиб бориш ва соҳа муҳокамаларида иштирок этиш орқали банклар комплаенс талабларидаги ўзгаришларни олдиндан билиш ва рискларни бошқариш тизимларини мос равишда мослаштириш; юзага келадиган хавфларни фаол равишда ҳал қилиш ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос келадиган имкониятлардан фойдаланиш. Бундай |

| | |
|---|---|
| | ёндашув нафақат меъёрий ҳужжатларга мувофиқликни оширади, балки Банкнинг обрўсини, барқарорлигини ва жамият фаровонлигига қўшган ҳиссасини мустаҳкамлайди, ҳамда узоқ муддатли муваффақиятга ёрдам беради.<br>Банк ўз рискларини бошқаришда қуйидаги чораларни кўради:<br>Иқтисодий рисклар: Банк мунтазам равишда иқтисодий таҳлилларни, жумладан, макроиқтисодий кўрсаткичларни, соҳага оид тенденцияларни ва бозор прогнозларини ўтказади. Ушбу таҳлилга асосланиб, банк иқтисодий рискларни камайтириш учун кредит сиёсатини, инвестиция стратегиясини ва активларни тақсимлашни ўзгартиради.<br>Тармоқ рисклари: Банк бозор талаби, рақобат, тартибга солиш муҳити ва технологик ютуқлар каби омилларни баҳолаш орқали секторга хос рискларни баҳолайди. Кредит портфелини турли секторлар бўйича диверсификация қилиш ва тармоқ ривожланишини яқиндан кузатиб бориш орқали банк тармоқ рискларини минималлаштиришни мақсад қилган.<br>Молиявий таваккалчиликлар: Молиявий рискларни бошқариш турли стратегияларни ўз ичига олади, масалан, актив-пассивларни бошқариш, стресс тестлар ўтказиш. Банк даромадларни оптималлаштириш билан бирга ликвидликни сақлаш учун активлар ва мажбуриятларнинг мувозанатини таъминлайди. Шунингдек, у фоиз ставкаси, валюта ва кредит рискларини юмшатиш учун молиявий деривативлардан фойдаланади.<br>Операцион рисклар: Операцион хатарларни юмшатиш учун банк ички назоратни кучайтириш, жараёнларни такомиллаштириш ва ходимларни ўқитишга эътибор қаратади. У мижозлар маълумотларини ҳимоя қилиш ва фирибгарликнинг олдини олиш учун мустаҳкам ИТ тизимлари ва киберхавфсизлик чораларини қўллайди. Мунтазам аудит ва мувофиқликни текшириш операцион заифликларни проактив тарзда аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам беради.<br>Регулятив хавфлар: Банк меъёрий ўзгаришларни кузатиш ва амалдаги қонунлар ва қоидаларга риоя қилишни таъминлаш учун махсус Комплаенс таркибий бўлинмани ташкил қилган.<br>Технологик хавф: Инновацияларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Банк маълумотларнинг махфийлиги билан боғлиқ муаммолар, тартибга риоя қилиш ва операцион узилишлар каби ўзига хос хавфларни юмшатиш учун мустаҳкам рискларни бошқариш протоколларини амалга оширади. Бундан ташқари, ходимларни ўқитиш дастурлари ходимларнинг технологик хавфларни самарали ҳал қилиш ва киберхавфсизлик бўйича илғор тажрибаларга риоя қилиш учун жиҳозланганлигини таъминлайди.<br>Экологик ва ижтимоий хавфлар: Экологик ва ижтимоий хавфлар банклар учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк барқарорлик тамойиллари ва масъулиятли банк амалиётига риоя қилган ҳолда кредитлаш ва инвестиция фаолиятининг экологик ва ижтимоий таъсирини баҳолайди. У атроф-муҳитга зарар этказувчи лойиҳаларни молиялаштиришдан |

| | |
|---|---|
| | қочиш ва ижтимоий масъулиятли ташаббусларни илгари суради. |
| ***38. Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар*** | Устав капиталининг ҳажми уставга мувофиқ 1 484 142 425 200 (бир триллион тўрт юз саксон тўрт миллиард бир юз қирқ икки миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.<br>Бухгалтерия баланси маълумотларига мувофиқ устав капиталининг ҳажми 1 484 142 425 200 (бир триллион тўрт юз саксон тўрт миллиард бир юз қирқ икки миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади. Устав капиталининг тўланган қисми миқдори 1 484 142 425 200 (бир триллион тўрт юз саксон тўрт миллиард бир юз қирқ икки миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади. |
| ***39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда*** | 2023 йил якуни бўйича ўз капитали 1 897 423 146 791,61 (бир триллион саккиз юз тўқсон етти миллиард бир юз қирқ олти миллион етти юз тўқсон бир минг сўм, 61 тийин)ни ташкил этади. |
| ***40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот*** | Уставга биноан захира фондининг ҳажми 15 фоизни ташкил этади.<br>Акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундаги заҳира фондининг ҳақиқий ҳажми 252 850 524 344,13 сўмни ташкил этади.<br>Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда захира фонди тўлиқ шакллантирилган. |
| ***41. Асосий молиявий кўрсаткичлар*** | |

*минг сўм*

| | **"Туронбанк" АТБ** | **2019** | **2020** | **2021** | **2022** | **2023** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **АКТИВЛАР** | **Жами** | **Жами** | **Жами** | **Жами** | **Жами** |
| 1 | Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари | 224 433 447 | 378 216 395 | 463 475 312 | 569 229 281 | 599 931 300 |
| 2 | Банкнинг Марказий банкдаги маблағлари | 478 135 028 | 277 968 932 | 384 454 644 | 543 087 213 | 272 301 257 |
| 3 | Бошқа банклар ва молиявий ташкилотлардан олиниши лозим бўлган маблағлар, соф | 652 548 367 | 535 025 469 | 892 355 698 | 768 170 459 | 1 175 870 375 |
| 3.1 | Бошқа банклар ва молиявий ташкилотлардан олиниши лозим бўлган маблағлар, брутто | 652 548 367 | 535 025 469 | 892 355 698 | 768 170 459 | 1 175 870 375 |
| 3.2 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4 | Қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестициялар, соф | 175 196 | 19 739 637 | 354 986 898 | 370 914 043 | 158 250 521 |
| 4.1 | Қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестициялар, брутто | 239 015 | 20 239 015 | 360 000 000 | 380 000 000 | 159 200 000 |
| 4.2 | Қимматли қоғозлар бўйича харажатлар, дисконт, мукофот ва уларнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши | | -499 378 | -5 013 102 | -9 085 957 | -949 479 |
| 4.3 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 63 819 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5 | Қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангалар, соф | 934 | 934 | 934 | 934 | 934 |
| 5.1 | Қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангалар, брутто | 934 | 934 | 934 | 934 | 934 |
| 5.2 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6 | Инвестициялар, соф | 17 129 777 | 132 743 048 | 49 492 127 | 200 623 102 | 415 286 782 |
| 6.1 | Инвестициялар, брутто | 25 164 091 | 134 487 946 | 49 493 007 | 200 623 102 | 415 286 782 |
| 6.2 | Инвестициялар бўйича харажатлар, дисконт ва мукофот | | | 880 | 0 | 0 |
| 6.3 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 8 034 314 | 1 744 898 | | 0 | 0 |
| 7 | РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар, соф | 0 | 0 | 0 | 0 | 149 844 741 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7.1 | РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар, брутто | 0 | 0 | 0 | 0 | 149 844 741 |
| 7.2 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8 | Кредит ва лизинг операциялари, соф | 4 251 503 249 | 6 646 917 581 | 8 046 288 965 | 9 294 007 476 | 11 764 721 668 |
| 8.1 | Кредит ва лизинг операциялари, брутто | 4 263 706 369 | 6 669 132 205 | 8 129 472 180 | 9 431 059 300 | 11 894 396 585 |
| 8.2 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 12 203 120 | 22 214 624 | 83 183 215 | 137 051 824 | 129 674 917 |
| 9 | Молиявий инструментлар бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, соф | 81 921 147 | 68 348 881 | 37 859 206 | 11 858 534 | 975 779 |
| 9.1 | Молиявий инструментлар бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, брутто | 81 921 147 | 68 348 881 | 37 859 206 | 11 858 534 | 975 779 |
| 9.2 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 10 | Асосий воситалар, соф | 145 753 721 | 214 035 748 | 353 611 694 | 429 250 976 | 461 763 909 |
| 11 | Жами ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар, соф | 52 393 163 | 249 886 010 | 254 795 104 | 387 961 989 | 621 062 349 |
| 11.1 | Ҳисобланган фоизли даромадлар, брутто | 51 860 343 | 249 492 372 | 248 480 137 | 393 398 118 | 626 330 751 |
| 11.2 | Ҳисобланган фоизсиз даромадлар, брутто | 574 889 | 412 703 | 6 320 125 | 14 094 488 | 11 150 088 |
| 11.2.1 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 42 069 | 19 065 | 5 158 | 19 530 617 | 16 418 490 |
| 12 | Банкнинг бошқа хусусий мулклари, соф | 15 975 032 | 21 051 925 | 23 749 718 | 125 241 970 | 223 423 737 |
| 12.1 | Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган бошқа мулклар, брутто | 0 | 9 272 660 | 17 343 153 | 122 784 704 | 215 456 110 |
| 12.2 | Банкнинг бошқа хусусий мулклари, брутто | 17 466 512 | 16 067 940 | 7 051 199 | 5 026 109 | 10 149 024 |
| 12.3 | Минус: Йиғилган эскириш суммаси ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 1 491 480 | 4 288 675 | 644 634 | 2 568 843 | 2 181 397 |
| 13 | Стандарт деб таснифланган активлар бўйича яратилган захиралар | | | | 87 709 623 | 97 774 634 |
| 13.1 | Стандарт деб таснифланган кредитлар, лизинг ва факторинг бўйича захира | | | | 84 180 724 | 86 476 700 |
| 13.2 | Стандарт деб таснифланган бошқа активлар бўйича захира | | | | 854 764 | 8 382 584 |
| 13.3 | Стандарт деб таснифланган активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақларига оид захира | | | | 2 674 135 | 2 915 350 |
| 14 | Бошқа активлар, соф | 58 899 747 | 170 146 136 | 148 551 359 | 266 027 447 | 193 060 011 |
| 14.1 | Бошқа активлар, брутто | 58 965 672 | 170 958 329 | 149 754 624 | 267 280 768 | 193 915 645 |
| 14.2 | Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 65 925 | 812 193 | 1 203 265 | 1 253 321 | 855 634 |
| 14.3 | Валюталар савдоси ва валюта позициялари | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| **15** | **Жами активлар** | **5 978 868 808** | **8 714 080 696** | **11 009 621 659** | **12 878 663 801** | **15 938 718 729** |
| | | | | | | |
| | **МАЖБУРИЯТЛАР** | | | | | |
| 16 | Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар | 795 150 814 | 947 060 973 | 1 109 388 669 | 1 335 865 426 | 1 234 997 406 |
| 17 | Муддатли депозитлар | 857 670 700 | 1 169 336 878 | 1 728 373 420 | 2 156 750 745 | 3 426 534 264 |
| 18 | Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар | 0 | 0 | 0 | 8 149 296 | 15 767 811 |
| 19 | Бошқа банклар ва молиявий ташкилотларнинг ҳисобварақлари | 386 549 772 | 835 660 906 | 1 072 061 963 | 1 557 295 909 | 1 930 635 621 |
| 20 | РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар | 0 | 20 032 877 | 0 | 0 | 0 |
| 21 | Кредит ва лизинг операциялари бўйича мажбуриятлар | 2 713 612 081 | 4 330 265 742 | 5 040 376 945 | 5 755 476 419 | 7 180 822 598 |
| 22 | Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 23 | Субординар қарз | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 24 | Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар | 25 333 180 | 47 126 691 | 60 165 911 | 66 012 353 | 95 163 128 |
| 25 | Ҳисобланган солиқлар бўйича мажбуриятлар | 3 120 262 | 17 700 377 | 5 191 243 | 131 700 | 2 526 542 |
| 26 | Клиринг транзакциялари | 276 857 | 1 118 554 | 2 527 447 | 105 941 | 277 337 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 27 | Стандарт деб таснифланган балансдан ташқари моддаларга яратилган захиралар | | | | 1 071 | 5 598 248 |
| 28 | Бошқа мажбуриятлар | 106 569 902 | 135 618 054 | 76 345 387 | 119 957 124 | 148 972 627 |
| 29 | **Жами мажбуриятлар** | **4 888 283 568** | **7 503 921 052** | **9 094 430 985** | **10 999 745 984** | **14 041 295 582** |
| | | | | | | |
| | **ХУСУСИЙ КАПИТАЛ** | | | | | |
| | | | | | | |
| 30 | Устав капитали | 884 606 696 | 884 438 814 | 1 497 038 537 | 1 497 038 537 | 1 484 142 425 |
| 30.1 | Акциялар – оддий | 876 161 946 | 875 994 064 | 1 488 593 787 | 1 488 593 787 | 1 475 697 675 |
| 30.2 | Акциялар – имтиёзли | 8 444 750 | 8 444 750 | 8 444 750 | 8 444 750 | 8 444 750 |
| 31 | Қўшилган капитал | 218 675 | 218 675 | 218 675 | 218 675 | 218 675 |
| 32 | Захира капитали | | | | 255 131 774 | 252 850 524 |
| 32.1 | Умумий захира фонди | 62 850 504 | 75 480 863 | 208 218 777 | 226 842 512 | 226 842 512 |
| 32.2 | Стандарт активлар учун яратилган захиралар | 24 493 850 | 49 646 672 | 76 826 667 | | |
| 32.3 | Девальвация учун захира | 0 | | | 0 | 0 |
| 32.4 | Бошқа захира фондлари | 29 569 786 | 34 146 019 | 30 845 718 | 28 289 262 | 26 008 012 |
| 33 | Тақсимланмаган фойда | 88 845 729 | 166 228 601 | 102 042 300 | 126 528 831 | 160 211 523 |
| 33.1 | шундан, жорий йил соф фойдаси (зарари) | 84 202 390 | 115 169 471 | 101 563 428 | 52 867 484 | 57 924 407 |
| **34** | **Жами хусусий капитал** | **1 090 585 240** | **1 210 159 644** | **1 915 190 674** | **1 878 917 817** | **1 897 423 147** |
| **35** | **Жами мажбуриятлар ва хусусий капитал** | **5 978 868 808** | **8 714 080 696** | **11 009 621 659** | **12 878 663 801** | **15 938 718 729** |

| | **"Туронбанк" АТБ** | **2019** | **2020** | **2021** | **2022** | **2023** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Кўрсаткичлар** | **Итого** | **Итого** | **Итого** | **Жами** | **Жами** |
| **1.** | **ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР** | | | | | |
| а. | Марказий банкдаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар | 0 | 450 959 | 5 288 425 | 10 190 848 | 12 292 055 |
| б. | Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар | 30 707 227 | 27 940 546 | 34 582 297 | 41 760 194 | 30 861 294 |
| в. | Амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар | 0 | 20 638 726 | 13 473 576 | 0 | 0 |
| г. | Қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар | 920 000 | 2 513 622 | 19 069 436 | 51 109 155 | 44 391 629 |
| д. | Мижозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| е. | Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан мижозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| ж. | Кредит ва лизинг операциялари бўйича фоизлар, дисконтлар (чегирмалар) ва бадаллар | 333 998 227 | 511 905 263 | 763 435 792 | 994 689 963 | 1 159 174 672 |
| з. | Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар | 0 | 0 | 1 | 0 | 9 061 668 |
| и. | Бошқа фоизли даромадлар | 71 845 532 | 120 067 604 | 158 901 119 | 133 167 865 | 334 479 |
| **к.** | **Жами фоизли даромадлар** | **437 470 986** | **683 516 720** | **994 750 646** | **1 230 918 025** | **1 256 115 797** |
| | | | | | | |
| **2.** | **ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР** | | | | | |
| а. | Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар | 261 021 | 0 | 2 093 | 1 363 | 0 |
| б. | Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар | 90 321 639 | 130 368 235 | 226 465 270 | 295 326 262 | 360 771 473 |
| в. | Марказий банкнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| г. | Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар | 6 831 317 | 36 133 005 | 58 394 402 | 72 536 191 | 144 221 028 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **д.** | **Жами депозитлар бўйича фоизли харажатлар** | **97 413 977** | **166 501 240** | **284 861 765** | **367 863 816** | **504 992 501** |
| е. | Кредитлар бўйича фоизли харажатлар | 55 560 316 | 123 107 724 | 203 366 064 | 241 845 613 | 307 963 976 |
| ж. | Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар | 0 | 4 317 118 | 317 534 | 0 | 43 963 |
| з. | Бошқа фоизли харажатлар | 71 011 731 | 119 304 591 | 158 531 900 | 132 968 973 | 23 226 |
| **и.** | **Жами кредит ва бошқа қарздорликлар бўйича фоизли харажатлар** | **126 572 047** | **246 729 433** | **362 215 498** | **374 814 586** | **308 031 165** |
| **к.** | **Жами фоизли харажатлар** | **223 986 024** | **413 230 673** | **647 077 263** | **742 678 402** | **813 023 666** |
| | | | | | | |
| **3.** | **Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни баҳолашдан олдинги соф даромад** | **213 484 962** | **270 286 047** | **347 673 383** | **488 239 623** | **443 092 131** |
| а. | Минус: Кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | 14 111 874 | 18 698 692 | 100 230 138 | 260 381 118 | 189 491 038 |
| б. | Минус: Қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | 31 910 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| в. | Минус: Инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | 3 773 371 | 0 | 0 | 0 | 7 793 700 |
| г. | Минус: Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | 2 859 562 | 4 510 378 | 1 837 402 | 41 708 718 | 51 474 971 |
| **д.** | **Активлар бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолашдан кейинги соф даромад** | **192 708 245** | **247 076 977** | **245 605 843** | **186 149 787** | **194 332 422** |
| | | | | | | |
| **4.** | **ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР** | | | | | |
| а. | Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар | 74 587 561 | 80 264 862 | 128 963 875 | 127 407 980 | 120 276 728 |
| б. | Хорижий валюталардаги фойда | 19 812 261 | 24 942 263 | 26 454 309 | 158 005 545 | 89 548 613 |
| в. | Тижорат операцияларидан олинган фойда | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| г. | Инвестициядан олинган фойда ва дивидендлар | 1 562 751 | 1 751 439 | 802 035 | 1 242 731 | 17 504 371 |
| д. | Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни қайтарилиши | | | 0 | 0 | 115 836 219 |
| е. | Ҳисобдан чиқарилган кредитлар қайтарилиши билан боғлиқ даромадлар | | | 0 | 5 314 497 | 26 489 711 |
| ж. | Бошқа фоизсиз даромадлар | 12 005 569 | 21 473 237 | 43 627 626 | 105 698 818 | 19 241 864 |
| **е.** | **Жами фоизсиз даромадлар** | **107 968 142** | **128 431 801** | **199 847 845** | **392 355 074** | **388 897 506** |
| | | | | | | |
| **5.** | **ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР** | | | | | |
| а. | Воситачилик ва кўрсатилган хизматлар учун харажатлар | 20 967 333 | 17 784 646 | 28 156 998 | 30 177 195 | 39 820 284 |
| б. | Хорижий валютада кўрилган зарарлар | 4 392 386 | 8 780 343 | 5 793 429 | 108 226 907 | 33 148 558 |
| в. | Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| г. | Инвестициядан кўрилган зарарлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 66 698 |
| д. | Бошқа фоизсиз харажатлар | 508 920 | 1 677 602 | 1 505 489 | 636 872 | 3 162 745 |
| **е.** | **Жами фоизсиз харажатлар** | **25 868 639** | **28 242 591** | **35 455 916** | **139 040 974** | **76 198 285** |
| | | | | | | |
| **6.** | **ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРДАН ОЛДИНГИ СОФ ДАРОМАД** | **274 807 748** | **347 266 187** | **409 997 772** | **439 463 887** | **507 031 643** |
| | | | | | | |
| **7.** | **ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР** | | | | | |
| а. | Банк хизматчиларига иш ҳақи ва бошқа харажатлар | 106 304 712 | 112 892 267 | 167 493 738 | 205 667 150 | 249 084 850 |
| а1) | шундан, раҳбар ходимларга тўловлар | 1 498 746 | 1 932 710 | 14 422 176 | 4 753 252 | 1 212 584 |
| б. | Ижара ва таъминот харажатлари | 18 324 843 | 26 842 449 | 43 103 399 | 51 421 856 | 63 319 666 |
| в. | Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | 3 311 330 | 3 090 645 | 5 795 408 | 6 189 602 | 7 726 877 |
| г. | Маъмурий харажатлар | 10 646 004 | 12 607 146 | 12 194 116 | 12 824 430 | 17 499 626 |
| д. | Репрезентация ва хайрия | 6 809 695 | 10 159 231 | 18 001 401 | 21 264 723 | 26 788 419 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| е. | Эскириш харажатлари | 14 418 864 | 24 168 578 | 32 059 176 | 43 031 305 | 46 111 616 |
| ж. | Суғурта харажатлари | 798 185 | 1 152 893 | 1 402 661 | 653 902 | 2 378 918 |
| з. | Солиқлар (фойда солиғидан ташқари) ва лицензиялар | 3 511 366 | 3 296 415 | 3 475 241 | 4 272 392 | 6 133 042 |
| и. | Жарима ва пенялар | 379 190 | 54 455 | 52 712 | 140 046 | 384 405 |
| к. | Бошқа операцион харажатлар | 2 726 023 | 5 402 119 | 3 351 939 | 6 632 938 | 15 359 117 |
| **л.** | **Жами операцион харажатлар** | **167 230 212** | **199 666 198** | **286 929 791** | **352 098 344** | **434 786 536** |
| | | | | | | |
| **8.** | **Солиқ тўлангунга қадар соф фойда ва бошқа тузатишлар** | **107 577 536** | **147 599 989** | **123 067 981** | **87 365 543** | **72 245 107** |
| а. | Фойда солиғини баҳолаш | 23 375 146 | 32 430 518 | 21 504 553 | 34 498 059 | 14 320 700 |
| | | | | | | |
| **9.** | **ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛГУНГА ҚАДАР ДАРОМАД** | **84 202 390** | **115 169 471** | **101 563 428** | **52 867 484** | **57 924 407** |
| а. | Кўзда тутилмаган даромад ёки зарарлар, соф | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| б. | Фойда бўйича тузатишлар, соф | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | | | | | | |
| **10.** | **СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)** | **84 202 390** | **115 169 471** | **101 563 428** | **52 867 484** | **57 924 407** |

| | |
|---|---|
| ***42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар*** | Бухгалтерия ҳисоби Банк томонидан "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби стандартларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилади. |

***43. Сўнгги 3 тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм***

*минг сўм*

| **Номланиши** | **2021 йил якунлари бўйича** | **2022 йил якунлари бўйича** | **2023 йил якунлари бўйича** |
|---|---|---|---|
| **Соф фойда, жами:** | **101 563 428,07** | **52 867 484,17** | **57 924 406,60** |
| **Тақсимлаш учун дивидендлар:** | | | |
| Дивидендлар учун (ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ва/ёки захира фонди ҳисобидан) | 1 688 950, 00 | 26 522 964, 52 | 1 688 950, 00 |
| Дивиденд солиғи (дивиденд миқдорининг 5%, имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда) | 84 447 500,00 | 173 151 483,68 | 84 447 500,00 |
| **Тақсимланмаган фойда** | 70 611 399, 65 | 52 867 484,17 | 50 443 015,94 |

| | |
|---|---|
| ***44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар*** | Жамият мазкур Рисола тасдиқлангунга қадар охирги йилда аффилланган шахслар билан йирик битимлар тузмаган. |
| ***45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда жамият умумий активларининг 10 ёки ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активларга эга эмас. |
| ***46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда жамият олдидаги қарздорлиги жамият активларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи дебитор қарзига эга эмас. |
| ***47. Жамиятнинг аосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда жамиятнинг асосий фаолияти билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас. |
| ***48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс*** | Жамият қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида асосий фаолият турини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият |

| | |
|---|---|
| ***қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи*** | мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзига эга эмас. |
| ***49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда жамиятда муддати ўтган кредитлар (қарзлар) йўқ. |
| ***50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида жамиятда муддати ўтган солиқ қарзи йўқ. |
| ***51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда жамият активлари баланс қийматининг 10 ёки ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи инвестицияларни амалга оширмаган. |

## VI-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

| | |
|---|---|
| ***52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот*** | Банкнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли билан Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уйда жойлашган Бош банкда ҳамда нусхалари билан банкнинг барча банк хизматлари марказларида танишиш мумкин. |
| ***53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари*** | Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz), эмитент веб-сайтида (www.turonbank.uz) ва "Тошкент"РФБ веб-сайтида (www.uzse.uz) эълон қилинади. |
| ***54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар*** | 1. Қисқа муддатли, юқори даромадли кредит маҳсулотлари турларини, шу жумладан револьвер кредитлар ажратишни кўпайтириш;<br>2.Банк тариф сиёсатини оптималлаштириш орқали мижозларга қулай хизмат кўрсатишнинг янги тариф пакетларини жорий этиб бориш;<br>3. Жозибадор молиявий хизмат турларини, айниқса чакана мижозларга кўрсатиладиган онлайн хизматларни, шунингдек кичик ва ўрта-бизнес учун хизмат турларини кўпайтириш ва ривожлантириш;<br>5. Банк бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида кичик ва ўрта бизнес мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (Artificial intelligence) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали фоизсиз даромадларни 20 фоизга ошириш ҳамда мазкур даромадлар улушини жами даромадлар туркумида 30 фоизга етказиш;<br>6. “Туронбанк” АТБ фаолиятини институционал ўзгартириш ва замонавий бизнес моделини қўллаган ҳолда халқаро тажрибани жорий қилиш мақсадида Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда ишлаб чиқилган “Туронбанк” АТБни трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси” тадбирларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;<br>Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида “Туронбанк” АТБ фаолияти молиявий барқарорлиги ва режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилиши таъминланади. |